



ЁҒ-МОЙ КОРХОНАЛАРИ ТАЪМИНОТИ ЗАНЖИРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ

Юлдашев Абдухаким Абдукаримович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Бизнес бошқаруви кафедраси
доценти в.б., PhD

Аннотация

Мақолада ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжири самарадорлигини ошириши, корхоналарда ресурс таъминотини яхшилаш, таъминот занжири бошқаришнинг инновацион йўллари, Фьючерс шартномалари орқали хомашё таъминотини шакиллантириши, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиши, таъминот занжири самарадорлигини ошириши юзасидан фикрлар келтирилди.

Аннотация

В статье основное внимание уделяется повышению эффективности цепочки поставок нефтяных предприятий, совершенствованию снабжения ресурсами на предприятиях, инновационным способам управления цепочкой поставок, формированию поставок сырья посредством фьючерсных контрактов, эффективному использованию производственных мощностей, эффективности были высказаны мнения относительно увеличения.

Abstract

The article presents ideas on innovative ways of managing oil and oil enterprises' raw material reserves, shaping raw material supply through futures contracts, effective use of production capacity, and supply chain management.

Калим сўзлар

хомашё заҳираси, Фьючерс, шартномалари, таъминотини бошқарии, пахтатўқимачилик кластерлари, кооперациялар.

Ключевые слова

сырьевые запасы, фьючерсы, контракты, управление снабжением, хлопко-текстильные кластеры, кооперативы.

Keywords

raw material stock, futures, contracts, supply management, cotton-textile clusters, cooperatives.

Кириш

Ёғ-мой корхоналари мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим тармоқлардан бири хисобланади. Ёғ-мой корхоналари нафақат ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқаради, балки бошқа тармоқлар билан ҳам узвий боғлиқ. Хусусан, гўшт ишлаб чиқарувчи ва паррадачилик корхоналарини озуқа-ем билан, қандолат ишлаб чиқарувчиларга саломаз ёғи, парфеюра ишлаб чиқарувчи корхоналарни хом-ашё билан таъминлайди. Ёғ-мой корхоналарни ривожлантириш орқали юқорида келтирилган тармоқларни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшади.

Республика ёғ-мой тармоғини ривожлантириш, аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ассортиментларини кўпайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бозорни сифатли, хавфсиз, арzon озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва бутун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти хисобланади.

Шу билан бирга, хомашё базасининг чекланганлиги, жумладан муқобил ёғ олинадиган экинлардан етарлича фойдаланмаслик ёғ-мой корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солишни таъминлаш ва бозорнинг сифатли ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабини қаноатлантириш имконини бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонининг III-устувор йўналишда “ёғ-мой корхоналари йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш” [1] вазифаси белгиланган.

Республикамида 2018-2022 йилларда 4 970 829 тонна пахта чигити, 212 789 тонна кунгабоқар дони ва 58 781 тонна соя дони етиширилганлигини кўришимиз мумкин. 2018-2022 йилларда Пахта чигити кунгабоқар донига нисбатан 23 марта, соя донига нисбатан эса 84 марта кўп етиширилган. 2022 йилда 958 224 тонна пахта чигити, 49 090 тонна кунгабоқар дони ва 12 875 тонна соя дони етиширилган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2018-2022 йилларда етиширилган айrim турдаги мойли ўсимликлар тўғрисида маълумот (тонна) [5]


Номи	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Пахта чигити	1 187 455	908 700	1 008 657	907 792	958 224

кунгабоқар дони	26 672	41 398	45 538	50 092	49 090
соя дони	11 399	10 858	11 944	11 705	12 875
жами	1 225 526	960 956	1 066 139	969 588	1 020 190

Манба: Давлат статистика құмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишилаб чиқылған.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги “Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш түғрисида”ги ПҚ-360-сонли қарорига мувофиқ пахта чигити “Ўзпахтасаноат” АЖнинг худудий пахта тозалаш заводларидан түғридан-түғри шартномалар ва тартибга солинадиган нархлар бўйича ёғ-мой корхоналари томонидан сотиб олинар эди. Ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжирини шаффоғлигини ошириш ва хомашё бозорида соғлом рақобат мухитини яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш түғрисида”ги ПФ-5853-сон фармонида “Ўзпахтасаноат” АЖни тутатишили ва унинг ўрнига Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ташкил этилиши белгиланди. Шу билан бирган, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган худудларда пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг ихтиёрий кооперациялари ташкил этилади.

Ушбу фармонга асосан 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг пахта хомашёсини этиштиришда давлат буюртмасини бекор қилинди ва бунинг натижасида эндиликда пахта этиштирувчилар ўзларининг имкониятларига қараб пахта этиштириш хажмини оширишлари ёки аксинча пахта этиштириш хажмини камайтиришлари мумкин.



1-расм. 2022-йилда Республикада этиштирилган айрим турдаги мойли ўсимликлар түғрисида маълумот (тонна) [9]

1-расмдан шуни кўришимиз мумкинки, 2019 йилда айрим турдаги мойли ўсимликлар (пахта чигити, кунгабоқар дони ва соя дони)ларнинг 95 фоизини пахта чигити ташкил қилган.

Ёғ-мой корхоналари “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизими билан маҳсулот уч томонлама шартнома тузилиб, шартнома суммасининг 20 фоизини олдиндан тўлаб берган. Об-ҳавонинг нокулай келганлиги ва бошқа форс-можор холларда фермер томонидан шартнома шартлари бажарилмаган ҳамда корхона томонидан белгиланган хом-ашё заҳираси шакиллантирилмаганлиги натижасида корхонанинг қайта ишлаш қувватидан тўлиқ фойдалана олмаслиги ҳамда унинг ишлаб чиқариш самарадорлиги тушиб кетишига олиб келади.

Адабиётлар таҳлили

Республика ёғ-мой корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишлари учун энг аввало уларнинг таъминоти занжирларини бошқаришни инновацион йўлларини топиш орқали эришилади. Корхоналарнинг таъминот занжирини оширишда бир қанча олимлар ўз илмий изланишларида қуйидаги хulosаларга келганлар:

П. П. Крылатков, М. А. Прилуцкаялар "Таъминот занжири – бу маҳсулотларнинг, хизматларнинг ташқи ва ички оқимларида бевосита иштирок этадиган уч ёки ундан ортиқ иқтисодий бирликлар (ташкилотлар ёки шахслар); молия ёки манбадан истеъмолчига маълумотдир" дея таъриф келтирган [6].

А.Н.Трифунтов ва В.И.Маргуновалар “Таъминот занжири -бу бирламчи хом ашёни биргаликда қайта ишлайдиган ва ундан якуний фойдаланувчи томонидан баҳоланадиган тайёр маҳсулотни оладиган шерик ташкилотлар тармоғи. Бу бошланғич даражадаги етказиб берувчилардан охирги фойдаланувчига материалларни кўчириш жараённида иштирок этадиган бир қатор ташкилий тадбирлардан иборат” деган таъриф келтирган. [7].

Испаниялик олим M.May (M.Mau) ўз тадқиқотида “Иш самарадорлигини ошириш, харажатларни пасайтириш ва сифат контексти таъминот занжирини оптималлаштиришга олиб келиши” хақида келтирган [8]

Бизнинг фикримизча ёғ-мой корхоналарида тўғри ташкил этилган таъминот занжири ёғ-мой маҳсулотларнинг нархи ва сифатига бевосита таъсиз қиласи. Чунки сифатли ва арzon таъминот натижасида корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг нархи арzon ва сифати юқори бўлади.

Тадқиқот методологияси:

Тадқиқотнинг методологик асоси фючерс шартномалари ёрдамида ёғ-мой корхоналарини таъминот занжирини яхшилаш, ёғ-мой корхоналарининг таъминот тизимини самарадорлигини ошириш. Таҳлил жараённида тақкослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган. Кузатув методи орқали замонавий логистиканинг ҳолати баҳоланган ва абстракт-мантикий фикрлаш орқали тегишли хulosалар шакллантирилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунга келиб қўпгина ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари хом-ашё етиштирувчилар билан фьючерс шартномалари орқали алоқа ўрнатишмоқда.

АҚШнинг Чикаго товар биржасида (CME Group) ҳар йили ўртача 1000 млрд. АҚШ долларли 2 млн. битимлар тузилади. АҚШ нинг ялпи ички маҳсулоти эса 20,0 трлн. АҚШ долларини ташкил этади ва бу фьючерслар бозорининг кўламини яққол кўрсатиб берувчи кўрсаткич ҳисобланади[10].

Бизнининг республикамизда ҳам бу борада бир қатор ишлар олиб борилмоқда, ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Кишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-205-сон Фармони мувофиқ, 2024 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатлар янги тартибда ташкил этилади. Ушбу Фармонда куйидагилар белгиланди:

Фермер ўзи етиштирадиган пахтанинг микдорини биржага жойлаштиради ҳамда баландроқ нарх таклиф этган вилоят ичидағи кластер ушбу фермер билан фьючерс шартномасини тузади. Бошлангич нарх Нью-Йорк биржасидаги пахта толасининг охирги 12 ойдаги ўртача нархи асосида белгиланди.

Фьючерс шартномасидан ортиқча етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олинадиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларни фермер хўжаликлари тўғридан-тўғри фьючерс шартномаси тузган кластерга ёки биржа орқали исталган субъектга сотади.

Пахта хомашёси фермерларнинг ўз маблағлари, шу жумладан тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирилганда пахта хомашёси ва ундан олинадиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотлар биржада эркин сотилади.

Фьючерс шартномаси бўйича ортиқча етиштирилган пахта хом ашёси фьючерс шартномаси тузилган кластерга тўғридан-тўғри сотилиши мумкин;

пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотлар (чигит, линт ва ўлик пахта) тўлиқ ҳажмда биржа орқали сотилади.

Янги Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш шароитида ёғ-мой корхоналарининг янада ривожлантиришнинг зарур босқичларидан бири бу фьючерс шартномалари асосида ёғ-мой корхоналарини хомашёга бўлган талабини қондириш ҳисобланади.

Жорий йилнинг 16 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигига тўқимачилик соҳасида экспорт ва инвестиция ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Видеоселекторда Президентимиз томонидан Кластерлар уюшмаси ва Тўқимачилик уюшмасини бирлаштириб, ягона “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизимини яратиш таклиф қилинди.

Бизнинг фикримизча, “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизими таркибиغا кирувчи пахта кластерлари, пахта кооперациялари ва пахтани қайта ишлаш заводларини ягона тизимга бирлаштириш натижасида ёғ-мой корхоналари хомаёш таъминоти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишлари учун кенг имкониятларни очиб беради. Чунки, барча пахта етиштирувчи ва уни қайта

ишловчилар бир тизимда бўлади. Улар билан пахта чигитини сотиб олиш шартномасини тузишга камроқ вақт кетади. Шу билан бирга “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизими ва ёғ-мой корхоналари ўртасида пахта чигитини сотиб бўйича фьючерс шартномасидан фойдаланиш икки томон учун ҳам қуидаги қулайликларни яратади:

Биринчидан, нархлар ўзгаришини хежерлаш, яъни сугурталаш бўлиб у молиявий қулай восита ҳисобланади;

Иккинчи навбатда тадбиркорлар учун қўшимча даромад бўлиб, унда тадбиркор ҳам паст ҳам юқори нархларда даромад олишлари мумкин. Бу орқали нархларнинг барқарорлашувига эришилади.

Натижада, ушбу бозор механизми туфайли корхоналар ўз фаолиятини самарали ва аниқ режалаштиришлари, ишлаб чиқаришни кенгайтиришлари ва янги иш ўринларини яратишлари мумкин.

Холоса ва таклифлар

Тадқиқотлар натижасида, бизнинг фикримизча, Фьючерс шартномаси ёрдамида республика ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжирини сарадорлигини оширишда хомашё заҳирасини оширишга қуидаги ишларни амалга ошириш орқали эришилади:

“хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизими таркибига кирувчи пахта кластерлари, пахта кооперациялари (кейинги ўринда мойли ўсимликларни етиштирувчилар) билан “Ўзёғмойсаноат” акциядорлик компанияси биргаликда пахта чигитини харид қилиш бўйича фьючерс шартномасининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш. “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизими таркибидаги корхоналар билан ёғ-мой корхоналари ўртасида мойли ўсимликларни харид қилиш бўйича фьючерс шартномаларини тузиш.

Бизнинг фикримизча, ёғ-мой корхоналар ва “хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизими билан тузиладиган Фьючерс шартномаларида қуидаги бандларни киритиш лозим:

“хомашёдан тайёр маҳсулотгача” тизимидан фьючерс шартномаси асосида пахта чигитини харид қилувчи ёғ-мой корхоналари маҳсулот қийматининг 20 фоизигача бўлган миқдорни бериш;

Ёғ-мой корхоналари томонидан фьючерс шартномаси асосида харид қилинган бошоқли мойли ўсимликларни яқуний ҳисоб-китоблар шартномада кўрсатилган муддатларда, лекин мойли ўсимликларни етказиб берилган санадан бошлаб 60 кундан ошмаган муддатда амалга ошириш;

фьючерс шартномасида томонларнинг келишувига биноат ўзгарувчан нархлар жаҳон котировкалари даражасидан келиб чиқсан ҳолда қўлланилиши мумкин.

Республикамида мазкур бозор механизмидан фойдаланиш ёғ-мой корхоналарининг таъминот занжири самарадорлигини оширишга, ёғ-мой маҳсулотларининг нархларни янада барқарорлаштириш, корхоналар самарадорлигини оширишига, ишлаб чиқариш қувватларидан максимал даражада фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлини ва миллий иқтисодиётнинг янада ривожланишига туртки беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январданги “Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ4118-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги “Чигит етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотлари сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПҚ-360-сонли қарорига
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармонида
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-205-сон Фармони
6. Крылатков П.П., Прилуцкаялар М.А. Управление цепью поставок. Учебное пособие. Екатеренбург-2018.
7. Трифунтов А.Н., Маргунова В.И. Управления цепями поставок: учеб. пособие Минск: Вышэйшая школа, 2018.
8. May M. Supply Chain Management in agriculture – including economics aspects like responsibility and transparency. Article. Spain-2002.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари
- 10.[http://www.aza.uz/oz/documents/ye-moy-tarmo-ini-yanada-rivozhlantirish-b-yicha-shimcha-chor-16-01-2019](http://www.aza.uz/oz/documents/ye-moy-tarmo-ini-yanada-rivozhlantirish-byicha-shimcha-chor-16-01-2019)